



МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИГА ЭХТИРОМ КҮРСАТИЛДИ

ДАВЛАТ РАҲБАРИ ҚАСИМ-ЖҮМАРТ ТҮҚАЕВ
МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ХОДИМЛАРИНИ
ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИДА НУТҚ СҮЗЛАДИ

Маданият ва санъат ходимларининг касбий байрами арафасида Ақўрдада тантанали тадбир ўтди. Президент юртимиз ҳамхижатлигини асрар, ҳалқимиз маънавиятини бойитиш йўлида улкан ҳисса кўшаштган соҳа ходимларига миннатдорчиллик билдири.

— Маданият – миллат гувоҳномаси. Бутунжоҳон элизизни, аввало, санъатимиз орқали танийди. Биз – Буюк Даштда томири ёйилган яхлит маданийнинг қонуний ворисларимиз. Қозоқ заминидан чиқкан бетакор ижодкорларнинг мислсиз асарлари бутун бир ҳалқни тарбиялаган. Эндиликда маданийтимиш жаҳон миқёсida тан олинмоқда. Истеъоддли мусиқачиларимиз жаҳон саҳнапарига муваффақиятли чиқишимда. Пойтахтизизда Жаҳон кўчманчилар ўйинлари муваффақиятли ўтказилди. Ақтау шахри туркӣ оламининг маданий пойтакти деб ёълон қилинди. Маънавий меросимиз рақамли шаклга ўтказила бошланди. Сўнгги пайтларда ҳалқимизнинг бир ярим минг кўшик ва фольклор мероси энг машҳур ҳалқаро дастурларга юкланди. Ҳалқ амалий санъатимиз ижодий соҳа орқали ҳар томонлама тарғиб қилинмоқда, – деди Президент.

Қасим-Жўмат Тўкаевнинг таъкидлашича, мамлакатимиз санъат ривожига ҳамиша алоҳида эътибор қаратиб келади. Чунки маданияти илгор мамлакатининг руҳи юксак.

— Ўтган йилнинг ўзида 45та янги маданият маскани барпо этилди. Бу ишлар келгусида ҳам давом эттирилади. Театр – маънавиятимизнинг асосий таянчларидан бири. Миллий Қурултоининг Бурабайда – ўтган йигилишида вилоятда театрларни ривожлантириш юзасидан аниқ топшириқ берилди. Кўплаб театрлар тўлиқ таъмирга, баъзилари янги бинога муҳтож. Бу ишга тадбиркорлар, ҳомийлар ҳам жаబ қилинса, яхши бўларди. Бу бутун дунёда кенг тарқалган амалиётдир. Бу каби лойиҳаларга сармояжаб этиши истагида бўлган фуқаролар етарли. Тадбиркорлик соҳаси вакилларини маънавиятимизни юксалтиришида иштирок этишига чақираман, – деди давлат раҳбари.

Шунингдек, миллий маданийнинг ривожлантириш ва тарғиб этишига кўшган улкан ҳиссаси, маданият соҳасидаги юксак иотуклари учун бир гурух фуқаролар давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Шу жумладан, Қозоғистон Республикасининг таникли эстрада хонандаси Алишер Каримов ҳам Президент қўлидан “Қозоғистон Ҳалқ артисти” унвонини олиш баҳтига мусассар бўлди.

Akorda.kz.

ҚОЗОҒИСТОН ВА ГЕРМАНИЯНИНГ САРМОЯВИЙ ЛОЙИҲАЛАРИ



Kazinform. Астана шаҳрида Қозоғистон-Германия Ишбилиармонлар кенгашининг (КГИК) 16-йилиши бўлип ўтди, унда иккى давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг асосий ўйналишлари муҳокама қилинди.

Тадбир иштироқиларини ҚР Баш вазирининг биринчи ўринбосари Роман Скляр қарши олди. У немис бизнесининг Қозоғистоннинг стратегик ҳамкори сифатидаги аҳамиятини таъкидлади.

— Қозоғистон Ҳукумати сармоявий ва ишбилиармонлик муҳитини доимий равишда яхшилаш бўйича тизимли ишларни амалга оширимоқда. 2024 йилда Moody's ҳалқаро агентлиги Қозоғистоннинг кредит рейтингини Ваа1 даражасига кўтарибди, бу мустақиллик тархиидаги энг юқори кўрсаткич хисобланади. Бундай эътироф эса сармоявий муҳитни яхшилаш ва маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш юзасидан олиб борилётган тизимли ишлар натижасидир, – деди Роман Скляр.

Шунингдек, Қозоғистон томонидан ҚГИК ҳамраиси ўринбосари, “Байтерек” Миллий бошқарув холдинги АЖ бошқаруви раиси Рустем Қарғойшин ва немис томондан ҚГИК ҳамраиси, Германия иқтисодиёти Шарқий кўмитаси бошқарувчи директори Михаэль Хармс сўзга чиқдилар.

— Германия дунёдаги етакчи, иқтисодиёти юксак мамлакатлардан бири сифатида Қозоғистоннинг Европа Иттифоқи давлатлари орасида энг йирик савдо шериги мавженини эгаллайди. Бугунги кунда иккى томонлама лойиҳалар портфелига умумий қиймати 54,4 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган 63та ташаббус кирилтилган. Улардан 1,1 миллиард долларлик 32та лойиҳа амалга оширилган, 12таси фаол амалга ошириш босқичида, – деди Рустем Қарғойшин.

Иштироқилар иқтисодий ҳамкорликни чукурлаштириши истиқболлари, жумладан, янги иккى томонлама лойиҳаларни молиялаштириш ва амалга ошириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 22 май, пайшанба, №53 (3554).

» Президент

ҚР ПРЕЗИДЕНТИ ВЕНГРИЯ БОШ ВАЗИРИ БИЛАН МУЗОКАРАЛАР ЎТКАЗДИ



ҚР Президенти Қасим-Жўмат Тўқаев Венгрия Бош вазари Виктор Орбанга миннатдорчиллик билдириб, ўтган йили Будапештга қилинган давлат ташрифи ҳақида гап юритди. Унинг доирасида бир қатор стратегик аҳамиятга эга шартномалар имзоланди.

Давлат раҳбарининг таъкидлашича, ташриф аниқ келишувла бой, Астана ва Будапешт ўртасидаги ўзаро англашувни мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан самарали бўлди. Президент савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни иккى томонлама муносабатларнинг устувор йўналиши сифатида қайд этди. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлиш ҳажми 200 миллион

долларга етган бўлса, жорий йил биринчи чорагида товар айирбошлиш ҳажми 37 фоизга ошиди.

Венгриянинг Қозоғистон иқтисодига киритган сармояси 370 миллион доллардан ошиди. Икки давлат ўртасидаги ҳозирда машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, логистика соҳаларида 16ta қўшма сармоявий лойиҳа амалга оширилмоқда. Уларнинг

қиймати таҳминан 700 миллион долларга баҳоланмоқда. Президент Туркӣ давлатлар ташкилотининг норасмий саммити мухим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, Қозоғистон Ташкилот фаoliyatiининг барча устувор йўналишлари бўйича конструктив мулоқотни давом эттириш тарафдори эканини маълум килди.

Виктор Орбан Қасим-Жўмат Тўқаевга ташрифи учун миннатдорчиллик билдириб, Қозоғистон-Венгрия муносабатларининг барқарор ва ўйшукин таснифини қайд этди.

Венгрия Бош вазари сўнгги йилларда иккى томонлама ҳам-

корлик, айниқса, иқтисодий соҳада фаол ривожланаётганини таъкидлади.

Шунингдек, саммитни ташкил этишда кўрсатилётган ҳар томонлама кўллаб-куватлаш учун миннатдорчиллик билдири.

Утрашувда ўтган йилги олий даражадаги музокаралар натижасида өришилган келишувлар, жумладан, энергетика, савдо ва сармоя соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга оширишинг бориши муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, томонлар халқаро кун тартибида дол зарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Akorda.kz.

16та “БАДАСТИР МАКТАБ” ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛАДИ

Жорий йил Туркистон вилоятида “Бадастир мактаб” миллий лойиҳаси доирасида 29ta мактаб курилиб, 13таси фойдаланишига топширилди.

Жорий йил охирига қадар яна 16ta илм масканини ишга тушириш режалаштирилди. Шунингдек, “Хафсиз мактаб” лойиҳаси доирасида ўқувчилар учун тўлиқ шароитлар яратилган. Жумладан, дарслеклар, иссиқ овқат ва кўшимча таълим ҳам шулар жумласидан. Бундан ташқари, мактабларни замонавийлаштириш доирасида ишлар жадал юритилмоқда. Давлат раҳбарининг топширигига мувоғик, вилоятда 2025-2027 йилларда 115 мактаб янгиланади.

Бу йил 41 мактабни янгилаш режалаштирилган. Хусусан, 15ta мактаб жорий таъми-



ланмоқда, 26ta мактабда тубдан таъмилаш ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу мактабларнинг аксарияти 30-40 йил мукаддас барпо этилган. Таъмилаш доирасида ошхоналар, кутубхоналар, спорт заллари, синфлар тўлиқ жиҳозланиб, хавфисизлик тизими ва мебеллар билан таъминланади. Туб таъмирга муҳтож 26 мактабнинг бетаси учун маблаг вилоят бюджетидан ахратаилган. “Ауыл – Ел бесири” дастури томонидан эса 3ta мактабни таъмилаш режалаштирилган.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

Маънавиятнинг муаззам майдони

Мамлакатимиздаги барча матбуот нашрлари қатори “Жанубий Қозоғистон” газетасига ҳам 2025 йилнинг иккичи ярми учун обуна бошланди.

Обуна ишларининг уюшқоли ташкил этишиши газетасининг келгисида тўлақонли фаолият юришига имкон беради. Демак, ҳар бир газетхон суюкли нашрига обуна бўлиш баробаридан уни кўллаб-кувватлаган, эртаган кунига мустаҳкам пойдевор яратган, давлат миқёсida амалга ошириш мумкин.


2025 йилнинг иккичи ярми учун “Жанубий Қозоғистон” газетасининг обуна баҳоси ўзгаради:

6 ойга обуна баҳоси: «Қазпошта» ҲЖ орқали – 3415,50 тенге.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466



ЯНГИ ЛОЙИХАЛАР ТАСДИҚЛАНДИ



Вилоят ҳокими Нуралхан Күшеров раислигига үтган вилоят марказининг меъморчилигига оид йиғилишда минтақада қурилиши юритилаётган иншоотларнинг меъморий лойиҳалари муҳокама қилинди.

Ҳокимга вилоят марказида амалга ошириладиган янги лойиҳалар таниширилди. Минтақа раҳбари лойиҳалар ижроси борасида Туркистон шаҳрининг Баш режаси ва қиёфасига мувофиқ булиши

ни қатъий назоратга олиши топшириди. Барча лойиҳалар муддатида бажарилиб, фойдаланишига топширилиши керак. Баш лойиҳага шаҳарнинг 2040 йилга қадар тараққиёт истиқболи жорий этилган. Ҳужжатда

мажлисда вилоят марказида барпо этиладиган янги кўп қаватли уй-жойлар ва тадбиркорлик иншоотларининг лойиҳалари ҳам таниширилди. Қатор лойиҳалар тасдиқланаб, баззи лойиҳалар таҳрир қилинди.

Курилиш билан бирга, кўкаламзорлашириш, ободонлашириш ишлари ҳам амалга оширилади. Бу борада вилоят ҳокими соҳага масъул раҳбарларга тегишили топширилар берди.

**Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.**



ЗАРАРКУНДАЛАРГА ҚАРШИ ТАДБИРЛАР



Вилоят ҳудудида зараркундаларга, жумладан, чигртика ва пашшага қарши тадбирлар жадал юритилмоқда.

Дезинсекция тадбирларининг амалга оширилиши вилоят ҳокими Нуралхан Күшеровнинг қатъий назоратида. Минтақада фитосанитария ҳолати барқарор.

Девон мажлисida вилоят

ҳокими Нуралхан Күшеров мутасаддиларга фуқароларга қўлай турмуш тарзини яратиш ва экин майдонларига зарар келтирмаслик мақсадида зараркундаларга қарши курашни давом эттиришини топшириди.

Кимёвий ишлов бериш муддатида ва сифатли юритилиши зарурлигини топшириди.

Зарур техника ҳамда кимёвий

дорилар, маҳсус мутахассис-

лар билан таъминлаш аҳамияти таъкидланди.

Жорий йилда зараркундаларга қарши 450 минг гектарга кимёвий ишлов берилди.

Бу ишларга 275 ер усти техники, 909 осма пургачи, 7 та дрон ва 4та самолёт сафарбар қилинди. Қайта ишлов беришга зарур дорилар етарли.

**Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.**

ЫҚАДАМДА ИСТЕР МЕН БЛОГЕРЛЕР БЫНЫҢ ОТЫРЫСЫ



МУҲИМ УЧРАШУВ ЎТДИ

Шимкент шаҳридаги "Дўстлик уйи"да Қозғистон ҳалқи Ассамблеяси қошидаги Журналистлар ва блогерлар клубининг мажлиси ўтди.

Қозғистон Республикаси Сенати депутатлари, шаҳар ички сиёсат ва ёшлар ишлари бошқармаси раҳбари Айгерим Жумагулова, "Шымкент ақпарат орталығы" МЧБ директорининг маслаҳатчи Бахтияр Тайжан, "Muzbalaq.kz" сайти бош мухаррири Базаркул Қалбири, "Оңтүстик Қазақстан" газетаси бош мухаррири Абай Балажан мавзуга оид фикрлари билан ўртоқлашилди.

Маънорузалилар томонидан ОАВ ва ижтимоий тармоқдаги давлат этносиёсати доирасида амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида ёзиб, эълон қилишида учрайдиган камчиликлар, ютуқлар, этнослараро муносабатлар соҳасида терминлардан ўринли фойдаланиш, журналистларнинг

ижтимоий аҳволи, уларнинг маошини ошириш юзасидан фикрлар билдирилди.

Мажлисда ОАВ вакиллари ва блогерлар, шаҳар этномаданият бирлашмалари етакчилари, М. Ауезов номидаги Жанубий Қозғистон тадқиқот университетининг "Журналистика ва қоқоз тили" кафедраси талабалари иштирок этди.

Таъкидлаш жоизи, Шимкент шаҳар ҚҲА қошидаги Журналистлар ва блогерлар клуби 2018 йилдан бўён фаолияти юритиб келмоқда. Унинг асосий мақсади – умумиллий бирликни мустаҳкамлаш, этнослараро ҳамжиҳатлик, ватанпарварлик ва маънавий-маданий ҳамжиҳатликни ривожлантиришга хисса кўшишдан иборат.

Хуршид ҚЎЧҚОРОВ.

"ОВУЛ – ЭЛ БЕШИГИ" ЛОЙИХАСИ АМАЛДА

Туркистон вилоятида 2025 йил "Овул – эл бешиги" лойиҳаси доирасида 142 аҳоли манзилида 140ta лойиҳани амалга ошириш учун 21,8 млрд тенге ажратилди.

Таъкидлаб айтганда, ушбу маблаг эвазига 7ta мактаб тұлғық таъмирланади, 17ta спорт иншоотининг қурилиши ва 1ta спорт мактабини тұла таъмирлаш ишлари олиб борилади. 10ta маданият иншооти барпо этилиб, біta иншоот тұлғық таъмирланади. Шунингдек, 2ta



ийха таҳлил қилиниб, назоратга олинади. Вилоят бошқармалари раҳбарлары ва туман, шаҳар ҳокимлари ишни жадаллаштиришлери даркор. Минтақаны тараққиёт этириш лойиҳаси, визифаларнинг ижроси юзасидан маҳсус таҳлил юритилади, – деди Нуралхан Күшеров.

Мажлисда минтақаны ичмели сув билан таъминлаш ҳамда "Бадастир мактаб" лойиҳасини амалга ошириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Вилоятда мавжуд шаҳарлар ичмели сув билан тұлғық таъминланган, қишлоқларни таъминлаш күрсактиң эса йил сайин ортиб бормоқда. Арис, Шардара, Ленгер, Сарыагаш шаҳарларидаги ичмели сув тармоқларини созлаш масаласы айтилиб, тегишили тақлифлар илгари сурилди.

**Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.**

СИРДАРЁ ЎЗАНИГА КИМЁВИЙ ИШЛОВ БЕРИЛДИ

Вилоядта пашшага қарши дезинсекция тадбирлари узлуксиз равишида олиб борилмоқда. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Зулпихар Жўлдасов раислигига ташкил этилган штаб минтақадаги зараркундаларнинг кўпайишига қарши мажмуявий тадбирларни амалга оширимоқда.

ОАВ вакиллари учун матбуот сафари уюштирилиб, амалга оширилаётган тадбирлар билан таниширилди. Сирдарё ўзани бўйидаги аҳоли манзилларида пашшаларнинг кўпайишига қарши кимёвий ва биологик воситалар кўлпанимодка. Шаҳар тадбирлар экологияя зарар көлтирган ҳолда, зараркундаларни камайтиришга йўналтирилган. Бунгунун кунда ўзанга "Бактицид" биовоситаларининг 111 тоннадан зиёд супензияси кўйилди. Ушбу тадбирларга 12ta маҳсус техника, 6 қайиқ, 28 нафар ходим сафарбар этилди.



Кўйилган дори миқдори Сирдарё ўзани ва Кўксарой омборидан чиқадиган сув ҳажмига нисбатан хисобланади. Пашша личинкалари тўпландиган худудда дори миқдори кўпайтирилди. Ушбу тадбирлар натижасида аҳоли манзиллари ва ўзан атрофида пашшалар камайшишининг икобий кўрсаткичи аниқланган.

Ичмели сув иншооти тұлғық таъмирланиб, 7ta электр күваты билан жиһозлаш иншоотининг қурилиши олиб борилади. 90ta лойиҳа эса ичкі күчаларни ўртача таъмирлаша мүлжаланган.

Мазкур лойиҳа доирасида оритиладиган ишлар вилоят ҳокимининг девон мажлисida

муҳокама қилинди. Минтақа раҳбари Нуралхан Күшеров мутасаддиларга вазифаларнинг сифатли ижросини таъминлашни топшириди.

– Лойиҳа доирасида олиб бориладиган ишлар муддатида сифатли бажарлиши лозим. Маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш керак. Ҳар бир ло-

**Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.**

>>> Обуначиларимиз орасида



1955 йили 19 май куни собық Фрунзе ҳозирги Саврон тумани маркази Чүрноқдаги Азим ота ва Рисқи аянинг зиёли оиласида дунёга келган түнгич чақалоқقا Буюк Галабанинг 10 йиллиги шарафига эзгу ниятлар ила Қаҳрамон деб исм беришиди.

Пири бадавлат оиласда Тамара, Гулнора, Клара, Уйғун, Ҳусан, Фотима исмли ука-сингиллар камол топишиди. 21 ёшида Украинада немис босқинчларига қарши урушда қаҳрамонлик кўрсатиб, жонини фидо қилган Совет Иттифоқи Қаҳрамони Қурбоной Ирисбековнинг невараси Қаҳрамон Ирисбеков мактабни олтин медаль билан таоммобла, Тошкентда муҳандис ихтинослиги бўйича таҳсил олди. Даст-

МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ – 70 ЁШДА

лаб Тошкентда, сўнг Туркистонда самарали меҳнат қилди. Мустақиллик йиллари "Туркистон-насос" МЧБни бунёд этиб, Туркистон, Жамбил, Қизилурда вилоятлари кишлоп хўжалиги соҳаси учун сув насосларини таъмирлаш соҳасини ўзлаштириб, юқсан натижаларга эришиди.

Шимкентда түнгич Президент Н. Назарбаев иштирокида ўтган маҳсус кўргазмада фаол иштирико, давлат раҳбари сув насослари бўйича саволлар билан мурожаатэтиб қизиқанлиги шонли тарих. Бошқа соҳадош корхоналар эҳтиёт кисмлар тақчилиги қийинчиликлари сабаб фаолиятини тўхтатганда ҳам "Туркистон-насос" корхонаси Қаҳрамон Азим ўғлиниң тажрибаси, билими ва сабр-тоқати шарофати билан ишлаб турди. Айни пайдада корхоналарни ҳам оби-ҳаёт, ҳам ёнгин хавфсизлигини таъминловчи курдатли сув минораларини мақбул баҳода тайёрлаб, ўрнатиб беришидек масъулияти вазифани "Туркистон-насос" самарали адо этмоқда.

Шаҳар, вилоят, республика миқёсида муносиб мукофотлар билан тақдирланган, Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси, "Халқ хурмати" ордени соҳиби Қаҳрамон Ирисбеков Мустақил давлатлар



ҳамдустлигининг (МДХ) "Соҳа етакчиши" – "Лидер отрасли" ордени билан тақдирланганлигини ифтихорла қайд этамиш.

Кам гапириб, кўп ишлашни одат қилган меҳнат қаҳрамони Қаҳрамон Ирисбеков умр йўлдоши, олий маълумоти Саломат Садриддин қизи билан қобил фарзандлар – Нилуфар, Фаррух, Динораларни тарбиялаб, вояга етказган. ўғли

Фаррух кўп йиллардан буён "Туркистон-насос" корхонасида ижорий директор лавозимида самарали меҳнат қилади. Пири бадавлат оиласда ширин-шакар тўқиз нева-эваралар вояга етмоқда.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвириларда: меҳнат қаҳрамони Қаҳрамон Ирисбеков; оила-аъзолари даврасида.

P.S. Оила аъзолари, қариндошуруглари, фарзандлари, ҳамкаслари Қаҳрамон Азим ўғли Ирисбековни 70 ёш шодиёнаси билан савимий муборакбод этиб, соглик-саломатлик, бардамлик ва саноат соҳасида янги зафарлар тилайди. "Жанубий Қозғистон" таҳририяти ҳам шу эзгу тилаклар ижобатига ниятдош.

ЎҚУВЧИЛАР САЛОМАТЛИГИ КУН ТАРТИБИДА



Саврон туманинда Ал Форобий номли умумтаълим мактабида "Таълим мусассасасида ўз жонига қасд қилиш ва зўравонликнинг олдини олиш" мавзуида семинар ўтди. Тадбирда туман таълим бўлимига қарашли мактабларнинг руҳшунослари иштирок этди.



Аҳамияти залворли тадбирда мактаб руҳшунослари, синф раҳбарлари, ўқувчи ва ота-оналар иштирок этди. Тадбирдан мақсад – таълим мусассасаларида соғлом руҳий мухит яратиш, ёшлар ўртасида зўравонлик ва унинг оқибатларини бартарафа этиши юзасидан билим ва кўнкимларни мустахкамлаш.

Тадбир доирасида ушбу мактабнинг мусиқа фани музалимаси Наргул Мусаева ташкилотчилигida ўютирилган концерт дастури меҳмонлар эътиборига ҳавола этилди. Унда мактаб руҳшуноси Хонзода Мамбетова "Бахти бола – баҳти она, баҳти оила, баҳти эл" мавзууда ота-оналар билан тренинг машғулоти, руҳшунос Рўза Абдуллаева "Умр мен билан гўзал" мавзууда ўқувчилар билан руҳий тренинги, синф раҳбарлари Шахноза Мусае-

ва "Яшамоқ завқли", Аяжон Чолова "Биз ҳаётни севамиз" мавзууларидаги синф соатларини ўтказиши. Дириктортарнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Қувоннин Нишонбоев «Ихтимоий алоқалар ва муҳит – руҳий тушкунликнинг олдини олиш воситаси» мавзууда атрофлича маълумот берди.

Ушбу семинар таълим мусассасаларида нафақат таълим сифати, балки ёшларнинг руҳий баркамоллиги ва хавфсиз мухити учун масъул ўзлангимизни яна бир карра намоён эти. Бу каби тадбирларни мунтазам ўтказиш, фақат муаммони ҳал қилиш эмас, балки унинг олдини олишдаги мухим қадамлардан бириди.

Х. МАМБЕТОВА,
Р. АБДУЛЛАЕВА,

Ал Форобий номидаги умумтаълим мактаби руҳшунослари.

>>> Саврон

МАКТАБИМИЗ СПОРТЧИЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КЎЛАМИДАГИ ЮТУФИ

Эски Иқон қишлоғидаги Зокир Саидов раҳбарлик қилаётган Собир Раҳимов номли умумтаълим мактабининг 9-11-синф ўқувчилари енгил атлетика бўйича республикада фарҳри 2-ўринни эгаллади.

Талдиқурғон шаҳрида эриштилган ушбу улкан ютуқ мактабимиз тархиига зарҳал ҳарфлар билан битилади. Бу ишга муносиб ҳисса кўшган, иктидорли ўқувчиларни туман, вилоят яхшиларидан галабага ёришишини пухта тайёрлаган, республика танловида ҳам фахрли ўринга сазовор этган мактабимизнинг тажрибали хисманий тарбия фани ўқитувчилари Э. Сулаймонов ва С. Ахмедовга миннатдорчилик билдирамиз.

А. АХТАМОВ,
мактаб директори ўринбосари.
Суратда: юлиб ўқувчилар устозлари билан.

Муаллиф тасвири.



ХАЛҚА ХИЗМАТ – ОЛИЙ ҲИММАТ

Саврон туманинда аҳоли энг кўп ва гавжум яшайдиган худуд – Эски Иқон қишлоқ округи маркази Иқон қишлоғидаги вилоят маркази Туркистон шаҳрига автобус билан қатнайдиган ўйловчилар учун бекатлар бунёд этилиб, ишга тушди.

Аҳоли ушбу қулийликлар учун обуначимиз – қишлоқ округи ҳокими Дилюшод Сайтовдан миннатдор. Келажакда бундай ишлар давом этади.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратда: янги бекат.

МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИКНИ ОШИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Қазигурт туманинда фуқароларнинг молиявий саводхонлигини ошириш, қарз мажбуриятлари қозасидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича мажмуавий маслаҳат-насиҳат таддиби ўютирилди.


Шу боис, Қазигурт туманинда "Молиявий саводхонлики ошириш ва қарздорларга ҳуқуқий кўллов кўрсатиш" лойиҳаси доирасида кенг қарорларни ахборий тушунтириши ишлари юриттилди. Тадбир доирасида фуқароларга кундаклиқ ҳаётда учраб турдиган молиявий машқақатларни самарали енгиг ўтиш, жумладан, кредит мажбуриятларини тўғри бошқариш, банк маҳсулотларидан самарали фойдаланиш, фирибаглардан химоя қилиш, молиявий қарамлик (жумладан, кимор ўйнларига мойилликнинг олдини олиш борасида атрофлича маслаҳатлар берилди.

Иштирокчилар тадбир доирасида ҳисоб рақамлари блокланган таддирида нима қилиш зарурлиги, қандай қонуний ёнимлар мавжудлиги, тўлов қобилиятини тикиш дастаклари, молиявий режани тузиш йўллари ҳақида аниқ ва фойдалари мъалумотлардан воқиф бўлишиди. Соҳа мутахassisлари – ҳуқуқшунос, вилоятдаги "Карзиз жамият" лойиҳасининг Туркистон вилоятини бўйича етакчиси Азимбай Жандус ва руҳшунос Шара Абдракманова ўз соҳаларига оид зарур маълумотлардан воқиф бўлишиди. Тадбирда иштирок этганлар ўзларини қизиқтирган саволларга аниқ жавоблар олиб, ҳуқуқий ва молиявий масалаҳатларни бўйича белуп ёрдам олиши.

Қазигурт тумани ҳокимининг матбуот хизмати.

МУСАФФО ТАБИАТ УЧУН БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Туман худудида "Тоза Қозғистон" дастури доирасида амалга оширилаётган тадбирлар Йўл ҳаритасининг "Тоза табиат" босқичи бўйича давом эттирилмоқда. Тумандаги 11ta қишлоқда кенг кўллами шанбаликлар ўютирилиб, атрофмұхитни мұхофаза қилиш ва ободонлаштириш доирасида наимунали ишлар амалга оширилмоқда.



Шанбалик давомида кўчкатлар экилиб, кўчалар, ариклар ва дарё соҳиллари тозаланди. Қуриган дарахтлар кесилиб, табиият худудларда тартибга келтирилди. Ахолининг фаол иштироки билан ўтган ушбу тадбирда 7312 киши иштирок этиб, 33та маҳсус техника сафарбар этилди. Натижада, 101 тона ахвол полигонга чиқарилиб, экологик ахвол яхшиланишига улуш қўшилди. Мазкур шанбалик – табиат мұхофазасининг ёрқин ифодаси. Жамоат жам ҳолда ободонлаштириш эзгу ва улуғвор тадбир. Она кимин кўжаламзорлаштирилиб, бөкча бурканишига хисса кўшиш – ҳар бир фуқаронинг бурчи.

Сайрам туман ҳокимлигининг матбуот хизмати.

Дүстүрдөйлөнүү чөрлөгөндөн...



Шымкент шаҳар Қозогистон халқи Ассамблеяси ва шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси ташаббуси билан ҚҲАнинг 30 йиллигига бағишланган анъанавий “Дўстлик дастурхони – Шымкент палови” фестивали Сайрам даҳсидаги “Наврӯз” истироҳат боғида ўтди. Турли этнослар орасидаги тотувлик ва маънавий ҳамжиҳатликни намоён этган ушбу байрам жамият барқарорлиги ва бирдамлигининг ёрқин кўринишига айланди.

Байрам тадбирида ҚХА Раиси ўринбосари – Президент Маъмурияти ҚХА Котибияти мудири Марат Азилханов, Шимкент шаҳри ҳокимининг ўринбосари – Ҳабиб Усмонов, ҚХА таъминлаш ва этнослараро тутувликни мустаҳкамлашдаги самарали фаолияти учун бир гурӯҳ фаолларни ташаккурномалар билан тақдирлади.

босари Сарсен Қуранбек, ҚР Парламент Сенати депутатлари Алишер Сотволдиев ва Фалиаскар Сарибаев, ички ишлар

лиасқар Сарибаев, ички ишлар органлари фахрийси Мұлдияр Үразалиев, Қозогистон ўзбек этномаданият бирлашмалари “Дүстлик” ҳамжамияты раиси Икром Ҳошимжонов, ҚХА хузуридаги Медиация кенгаши раиси, Миллий қурултой аъзоси Шерзод Пўлатов, Ўзбекистоннинг “Ватандошлар” жамоат жамғармаси вакили Ҳожиакбар Исоқов, Шимкент шаҳар маслаҳати депутатлари Лазиз Сулаймонов, Байкен Аширбаев, Муратали Қалмуратов, Шимкент шаҳрида фаолият юритаётган турли этномаданият бирлашмалари раислари, шунингдек, жамоатчилик кенгаши аъзолари, этномаданият бирлашмалари ва ёшлар ташкилотлари,


A photograph of a man and a woman standing behind a table covered with a white cloth, displaying various dishes. The man on the left is wearing a white chef's coat and black gloves, holding a large platter of food. The woman on the right is wearing a pink patterned jacket over a dark top. They are smiling at the camera. In the background, there are other people, some in chef uniforms, and a brick wall. A sign for "ZORBAZON" is visible on the right.



сүс тайёрланган 100 килограмм палов Шымкент шаҳар ҚХА күнгиллилари орқали болалар уйлари ва кўп болали оиласларга тарқатилди.

Тадбирда Шымкент шаҳар ўзбек драма театри санъаткорлари, шунингдек, хонандалар З. Олимов, З. Қодиров, Ш. Усмонова, шаҳар турк ва корейс этномаданият бирлашмаси санъаткорлари томонидан концерт дастури намойиш этилди.

Бу ўринда тадбирни ташкил қилишда жонбозлик кўрсатган Шимкент шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси оқсоқоллар кенгashi раиси Орифжон Холназаров, фаоллари Карима Қўшмуродова, Аббосхон Шо-



сифатида янги маъно касб
этди. Ҳар бир ошпаз тур-
лича усулда ош тайёрлаб,
мехмонларни ҳайратга сол-
ди. Ошпазлар тайёр-
лаган паловхонтӯ-
ранинг “Бирлик”,
“Дўстлик”, “Фала-
бага 80 йил”,
“Байтерек” каби
номлар билан
аталишида
ҳам чуқур
маъно мұ-
жассам.
Ҳакамлар

ҳайъати қарорига кўра, танлови иштирокчилари Ҳасан ва Ҳусан Шомуродовлар – “Ийлнинг энг яхши ошпазлари”, Азизбек Сайдахметов – “Энг ёш ошпаз”, Юнусмат Бегмуллаев – “Энг ёши улуғ ошпаз” каби номинациялар билан тақдирландилар. Баҳолашда таомнинг таъми билан бирга уни тайёрлашмаҳоратлари, дид билан безатилиши, ошпазлар либоси ва хизмат кўрсатиш маданийти

Фестиваль доирасида маҳ-
хам инобатга олинди.

мирзаев, шунингдек, Ал Форобий, Қоратов, Енбекши, Абай туманлари ўзбек этномаданият бирлашмалари раислари Шухрат Рўзиматов, Нодирхон Имомсииддиқов, Баҳодир Мирзахмедов, Илҳом Алимқулов, 4-сонли мусиқа мактаби директори Шокир Умаров ва бошқа жонкуярларнинг саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

3. МҮМИНЖНОВ.
Тасвирларда: тадбирдан

**Директор – Баш мұхаррір
Райымжон Ортиқбай ўғлы
АЛИБОЕВ**

Бош мұхаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.

Авахон БУРОНБОЕВ.

Масъул шахслар:

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозогистон” вилоят ижтимоий-сийесий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

Газета *КР* Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олини KZ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.

"ERNUR-print" МЧБ босмах
Шымкент шаҳри, Т. Алим

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шымкент шаҳри,
Тауке хан шохжӯчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
+7778-618-39-05.

Нашр күрсаткычи – 65466.